O‘zbekiston Respublikasi
Navoiy viloyati
xalq deputatlari Konimex tuman
Kengashining
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
Канимехского районного
Кенгаша народных депутатов
Навоийской области
Республики Узбекистан

“ 18 ”декабрь 2019 йил № 55/366 Конимех шаҳарчаси

Конимех туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

– автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар.

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг

(жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 70 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) шаҳар ва туманлар ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

б) вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

– электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

в) мобил алоқа хизмати ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

г) қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришидан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка

тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

– айланмадан солиқ;

3. Қонунга асосан туман маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туман бюджетидан молиялаштирилади;

б) туман бюджетидан:

– фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

– давлат санитария-эпидемиологик осойишталик назорати туман марказини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йилги туманнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман маҳаллий бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2020 йил учун туман маҳаллий бюджет даромадлар қисми прогноз кўрсаткичлари 15 833.8 млн. сўм ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 43 730.9 млн. сўм белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8.Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 27 897,1 млн. сўм миқдорида тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижроси ҳамда харажатлар ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. 2020 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажми 646,3 млн. сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. 2020 йил учун туман маҳаллий бюджетининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар **311,7 млн. сўм** миқдорида белгилансин.

11. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар тегишинча туман Халқ депутутлари Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифига асосан, Кенгащ қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

12. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифи билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

13. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган

тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

15. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини халқ депутатлари туман Кенгашига тақдим этиб борсинлар.

16.Туман ҳокими бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш учун халқ депутатлари туман Кенгашига маълумот киритиб борилсин.

17. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни туман газетасида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор "Кенимех таны" туман газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

19. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **М.Эгамқулов**

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2019 йил 18 декабрдаги
53/366 сонли қарорига
1-илова

Туманнинг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	X
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	3,7
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	9,97
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	1,9
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	2,3
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	1,6

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2019 йил 18 декабрдаги
55/366 сонли қарорига
2-илова

Туман маҳаллий бюджети даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

Т/Р	Даромад турлари	Миқдори (минг сўм)
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	940 000,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	2 200 000,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	4 500 000,0
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	15 000,0
5	Қўшилган қиймат солиғи	
6	Акциз солиғи, жами	0,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	0,0
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0,0
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 050 000,0
9	Юридик шахслар ер солиғи	0,0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	900 000,0
11	Ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	15 000,0
12	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	3 150 000,0
13	Давлат божи	0,0
14	Жарималар	0,0
15	Ижара тўлови	13 000,0
16	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	0,0
17	Йиғимлар	230 000,0
18	**Тақсимланувчи даромадлар**	**2 820 768**
	шу жумладан:	
1	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	1 810 934
2	Мобил алоқага акциз солиғи	1 009 834
ЖАМИ Даромад		**15 833 768,0**

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2019 йил 18 декабрдаги
55/366 сонли қарорига
3-илова

2020 йил учун туман маҳаллий бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларининг умумий чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	Миқдори (минг сўмда)
	Харажатлар миқдори, Жами	**43 730 867,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**43 730 867,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	0,0
1	**Туман Мактабгача таълим бўлими**	**2 332 981,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 332 981,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Туман Халқ таълими бўлими**	**3 325 419,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 325 419,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Туман Тиббиёт бирлашмаси**	**15 821 539,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	15 821 539,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Туман Маданият бўлими**	**2 555 519,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 555 519,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**705 750,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	705 750,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Туман Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими**	**600 177,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	600 177,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**1 061 023,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 061 023,0

№	Кўрсаткичлар	Миқдори (минг сўмда)
	жорий харажатлар	
	Шу жумладан: сақлаш харажатлари	7 307 807,0
	Халқ қабулхонасини сақлаш харажатлари	1 619 870,0
	Махалла фуқаролар йиғинининг сақлаш харажатлари	72 236,0
	Қишлоқ фуқаролар йиғинининг сақлаш харажатлари	810 789,0
	Ҳокимликларнинг заҳира жамғармалари	667 631,0
	ФҲДЁларни сақлаш харажатлари	646 269,0
	14 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга хар ойлик нафақалар	61 482,0
	2 ёшгача бўлган болаларни парваришлаётган оналарга хар ойлик нафақалар	874 664,0
	Кам даромадли оилаларга хар ойлик моддий ёрдамлар	1 669 798,0
	Ун ва нон сотиб олиш учун компенсация тўловлари	386 015,0
	Туман ижтимоий мослашиш маркази	462 638,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	36 415,0

№	Кўрсаткичлар	Миқдори (минг сўмда)
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Туман Ирригация бўлими**	
	шу жумладан:	591 062,0
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	591 062,0
9	**Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими**	
	шу жумладан:	**332 787,0**
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	332 787,0
10	**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**	**139 562,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	139 562,0
11	**Конимех туман Ободонлаштириш бошқармаси**	**5 493 922,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	шу жумладан:	5 493 922,0
	Қаровсиз колган хайвонларни тутиш бўлимини сақлаш харажатлари	94 589,0
	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	269 327,0
	Кўча чироқларини ёритиш бўлимларини сақлаш харажатлари	145 629,0
	Ободонлаштириш бошқармаси сақлаш харажатлари	2 638 822,0
	Қабристонларни сақлаш харажатлари	1 838 555,0
	Марказий кўчаларни таъмирлаш харажатлари	250 000,0
	Хўжаликлараро қишлоқ автомобил йўллари, қишлоқ аҳоли пунк кўчаларини таъмирлаш харажатлари	155 000,0
	Шаҳар посёлкалари кўчалари йулларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш харажатлари	102 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Туман Молия бўлими**	**3 132 200,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 132 200,0
	шу жумладан: сақлаш харажатларига	860 275,0
	Фуқароларга етказилган зарарни коплаш	
	Вилоятдан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган трансфертлар	
	Индексация маблағлари	2 271 925,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Туман Пенсия жамғармаси бўлими**	**331 119,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	331 119,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Туман хокимлиги**	**7 307 807,0**
	шу жумладан:	

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2019 йил 18 декабрдаги
55/366 сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Йиғимлар	Ижара тўловлари
1	100	100	10	100	100	100	100

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2019 йил 18 декабрдаги
55/366 сонли қарорига
5-илова

2020 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Худуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	15 833 768,0	43 730 867,0
Конимех тумани	15 833 768,0	43 730 867,0

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2019 йил 18 декабрдаги
55/366 сонли қарорига
6-илова

Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори (минг сўмда)
ЖАМИ	**27 897 099,0**
шундан	
Конимех тумани	27 897 099,0

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2019 йил 18 декабрдаги
33/366 сонли қарорига
7-илова

Туман маҳаллий бюджетининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор (минг сўмда)
	ЖАМИ	**311 686,0**
	шундан	
1	Конимех тумани	**311 686,0**